# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 27 апрель, № 81 (5755) Шанба


# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 26 апрель куни халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.



Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон дунёда кўпчиликнинг ҳавасини келтираётган ютуқ ва марраларга эришиши йўлида бутун мамлакатимиз қатори Андижон вилояти меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини, кўп соҳаларда Андижон етакчи ўринларни эгаллаб келаётганини алоҳида таъкидлади. Вилоят маркази, барча шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, обод бўлиб, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражаси юксалиб бораётгани барчага ғурур ва ифтихор бағишламоқда.

Кейинги етти йил мобайнида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 2 баробар, саноат 2,9 баробар, қишлоқ хўжалиги 1,6 баробар, пуллик хизматлар 2,7 баробар, қурилиш ишлари 3,4 баробар ошди. Саноат соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда технологик янгилаш, мавжуд маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Халқаро бозорда рақобатбардош, қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналар барпо этиш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани ўзининг салмоқли натижаларини бераётир.

Бу борада иқтисодиётимизнинг локомотиви бўлган йирик корхоналар, биринчи навбатда, Асака шаҳридаги автомобиль заводи фаолияти ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди, деди Юртбошимиз. Ушбу корхона мамлакатимиз учун бутунлай янги соҳа — автомобилсозлик саноатини шакллантиришда пойдевор бўлиб, юксак ва илғор технологияларни ўзлаштиришда катта роль ўйнамоқда.

(Давоми 3-бетда).

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизлар билан, Андижон аҳли вакиллари, депутатлар ва фаоллари билан кўришиб, барчангизни соғ ва бардам кўриб турганимдан ва шу фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизлар орқали бутун вилоят халқига ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Мажлисимизнинг кун тартибига ўтишдан олдин, аввало, сиз, Андижон элининг ҳол-аҳволини сўраб, тинч-омон юрганингиздан хабардор бўлиб, барчангизга куч-қувват ва янги омадлар тилаш менга, ҳақиқатан ҳам, катта хурсандчилик етказади.

Ҳаётимиз қандай шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга оладиган бўлсак, сиз ҳурматли юртдошларим билан қанча тез учрашиб туриш, ён-атрофимиздаги аҳвол, пайдо бўлаётган турли муаммолар ҳақида фикр алмашиш, уларнинг ечимини топиш зарурати ва эҳтиёжи кўпайиши табиийдир.

Бугунги учрашувимизга ҳам шу кўз билан қараб, Андижон аҳолисининг ўтган давр мобайнида қўлга киритган ютуқларини сарҳисоб қилиш билан бирга, сизларнинг эртанги кунни қандай кўраётганингиз, режа ва мақсадларингиз билан яқиндан танишиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракатларимизни бирлаштириб иш тутсак, айни муддао бўлур эди.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз қўлга киритаётган, жаҳон ҳамжамияти тан олаётган ютуқ ва марраларга эришиш йўлида бутун Ўзбекистонимиз қатори Андижон вилояти меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани, кўп соҳаларда етакчи ўринларни эгаллаб келаётганини эътироф этиш, вилоят маркази, барча шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, тобора обод бўлиб, халқнинг ҳаёт сифати ва даражаси юксалиб бораётгани, албатта, барчамизни қувонтиради ва мамнуният етказади.

Ҳақиқатан ҳам, Андижон вилоятида кейинги йиллар давомида амалга оширилган ишларга холисона баҳо берар эканмиз, бошқаларга намуна қилиб кўрсатишга арзийдиган ютуқ ва натижалар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Кейинги етти йил мобайнида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 2 баробар, саноат 2,9 баробар, қишлоқ хўжалиги 1,6 баробар, пуллик хизматлар 2,7 баробар, қурилиш ишлари 3,4 баробар ошганини қайд этиш зарур.

Бу рақамларни гапириш, албатта, осон. Лекин уларнинг ортида қандай машаққатли меҳнат ётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Ҳаётга холисона кўз билан қарайдиган одам бу рақамларни эшитиб, ҳайратга тушиши табиий.

Эътиборли томони шундаки, бундай ижобий ўзгаришларни бугунги кунда бутун Андижон вилоятида, қишлоқларда ҳам, шаҳарларда ҳам кўриш, кузатиш мумкин. Сизларнинг бундай ютуқлардан ғурурланиб, лекин уларга маҳлиё бўлмасдан, яна янги марраларни эгаллаймиз, доимо олдинга интиламиз, деган кайфият билан яшаётганингизни барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Шу борада бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: кимки бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни кўрмоқчи, улардан тўлиқ хабардор бўлмоқчи бўлса, биринчи галда Андижонга келсин, ўзини андижонлик деб атайдиган одамларнинг меҳнати, ҳаёти, бугунги ютуқлари билан яқиндан танишсин.

Маълумки, илгариги замонда "Биз кўрмаганни болаларимиз кўрсин", деган ният ва қараш, керак бўлса, армон билан ота-боболаримиз дунёдан яшаб ўтди. Бугун эса замоннинг талаби бошқача. Яъни фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиши шарт, деган шиор ҳаётимиздан чуқур жой олмоқда. Шу билан бирга, бугунги яшаётган одамлар, халқимиз ҳаётдан рози бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, эркин ва фаровон яшаши керак.

Бугун одамларимизнинг юриш-туриши, муомала ва кийиниш маданияти, айниқса, аёлларимизнинг ўзига, ҳаётга қараши, умуман, халқимизнинг турмуш даражаси кескин ўзгариб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу, ҳеч шубҳасиз, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришларнинг энг муҳим натижасидир.

Андижон вилоятининг ишлаб чиқариш соҳасида янги тармоқлар пайдо бўлиши билан бир қаторда, саноат соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, технологик янгилаш, мавжуд маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, халқаро бозорда рақобатдош, қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналар барпо этиш масаласига жиддий эътибор қаратаётганимиз ўзининг ҳосили ва натижаларини бермоқда.

Бу борада иқтисодиётимизнинг локомотиви бўлган, ижтимоий ҳаётнинг маъно-мазмунини кескин ўзгартиришга хизмат қилаётган корхоналар, биринчи навбатда, Асака шаҳридаги автомобиль заводи фаолияти ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди, албатта.

Бу корхонанинг мамлакатимиз учун бутунлай янги бўлган замонавий автомобилсозлик тармоғининг шаклланишига пойдевор қўйгани, юксак технологияларни, илғор илм-фан ютуқларини ўзлаштиришда қандай катта роль ўйнаётганини барчамиз яхши биламиз.

Хусусан, 2008 йилдан бошлаб, жаҳон автомобиль саноатида етакчи ҳисобланган "Женерал Моторс" компанияси билан ҳамкорликда ушбу заводда машҳур "Шевроле" бренди билан автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани саноатимиз ривожида янги тарихий босқич бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

Айни шу асосда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг тури, технологик хусусиятлари тубдан яхшиланиб, мутлақо янги платформалар негизида "Ласетти", "Спарк", "Кобальт" каби 8 хилдаги замонавий автомобиль ишлаб чиқарилаётгани бу фикрни исботлаб турибди.

Маълумки, бугунги кунда кооперация асосида автомобилларга бутловчи ва эҳтиёт қисмлар етказиб берадиган машинасозлик корхоналари тармоғи юртимизда кенгайиб бормоқда. Биргина Андижон вилоятининг ўзида бундай корхоналар сони сўнгги етти йилда 47 тадан 108 тага, улар томонидан тайёрланган маҳсулот ҳажми эса 1 триллион 100 миллиард сўмга етди. Бу эса мазкур тармоқда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар сонини 22 минг 400 кишига етказиш имконини берди.

Мазкур тармоқнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, соҳани юксак малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Асака туманида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежини, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти негизида Андижон машинасозлик институтини, Тошкент шаҳрида эса Турин политехника университетини ташкил этганимиз, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонни замонавий автомобилсозлик марказига айлантириш йўлида салмоқли қадамлар бўлди.

1996 йили бу ноёб ва улкан корхонани қуришга киришганимизда юксак технологияларга асосланган бундай заводни ўзимизнинг одамлар бошқаришига ким ишонарди? Ўша пайтда четдан туриб, Ўзбекистон энди автомобилсиз қолади, ўзбеклар фақат шофёр бўлиб ишлашга ярайди, деган турли-туман туҳмат гаплар ҳам бўлган эди. Бугун Асакадаги заводнинг энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқараётганини кўриб, ўша одамларга, қалайсиз энди, десангиз, улар жим, лом-мим деб овоз чиқаролмайди.

Ана шу заводни бугунги кунда ким бошқармоқда, ким уни бутун дунёга машҳур қилмоқда? Ўзимизнинг истеъдодли болаларимиз, Жанубий Кореяда, бошқа мамлакатларда ўқиб, билим ва малакасини оширган ўз ёшларимиз. Бу инсонларнинг барчасига ана шундай фидойи меҳнати учун шу юксак минбардан туриб, чин қалбимдан миннатдорлик билдиришни ўз бурчим деб биламан.

Вилоят иқтисодиётида алоҳида ўрин тутадиган енгил саноат тармоғида ҳам кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда кўп гапирмасдан, фақат айрим рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Агар 2006 йилда вилоятда етиштирилган пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 31,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу рақам 40 фоизга етди. Шу ўтган даврда қиймати 66 миллион долларлик 19 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, 45 минг тоннадан ортиқ калава ип, қарийб 9 минг тонна трикотаж полотно, 9 миллион донадан зиёд тайёр тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувватлар, энг муҳими, 3,5 мингта янги иш ўрни яратилди.

2006 — 2012 йилларда Андижонда пойабзал ишлаб чиқариш 8,6 баробар, чарм-галантерея буюмлари 11 баробар, мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13 баробар ўсгани ҳам вилоят иқтисодиётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасидир.

Вилоятда ўтган етти йилда 224,5 миллион долларга яқин чет эл инвестицияси, жумладан, 174 миллион 200 минг долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

Ҳозирги вақтда бу ерда чет эл инвестицияси иштирокидаги 86 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 79 фоизи, жами экспорт ҳажмининг эса салкам 89 фоизи ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. **Вилоятда экспорт таркиби ҳам кескин ўзгариб, қайта ишланган ва тайёр маҳсулотлар улуши 87 фоиздан 95 фоизга ортгани, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.**

Албатта, янги ютуқлар, қўлга киритилган марралар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар, ишга солинмаган кўпгина имкониятлар, барчамизни ҳалибери ташвишга солаётган муаммолар борлигини ҳеч ким инкор этолмайди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 68 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 500 000 (беш юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 25 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ш. Қ. Абдураҳмоновни Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Шуҳратбек Қушақбоевич Абдураҳмонов** Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 26 апрель

## Ўзбекистон — ноёб ихтиролар мамлакати

INNOVATSION G'OYALAR, TEXNOLOGIYALAR VA LOYIHALAR VI RESPUBLIKA YARMARKASI
TOSHKENT 2013
VI РЕСПУБЛИКАНСКАЯ ЯРМАРКА ИННОВАЦИОННЫХ ИДЕЙ, ТЕХНОЛОГИЙ И ПРОЕКТОВ

***VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси иштирокчилари мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятига ана шундай юксак баҳо беришди.***

Президентимизнинг "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, олтинчи марта ташкил этилган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ўз ишини якунлади.

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" павильонларида уч кун давом этган бу галги тадбир, кутилганидек, юксак савия ва кўтаринки руҳда ўтди. Унда 100 дан зиёд илмий, илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва тажриба-конструкторлик ташкилотларининг 550 та ноёб ишланма ҳамда технологияси тақдим этилгани, уларни амалиётга жорий қилиш бўйича умумий қиймати 12 миллиард 300 миллион сўмликдан ортиқ 360 дан кўпроқ шартномалар имзолангани бунга асос бўла олади.

(Давоми 3-бетда).

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоят саноатини ривожлантиришда бир қатор муаммолар, номутаносиблик ҳолатлари кўзга ташланаётганини очиқ айтиш керак. Масалан, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 92 фоизи Андижон, Хонобод шаҳарлари, Асака, Андижон, Шаҳрихон туманларининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Қолган 11 та туманда эса бу кўрсаткич, афсуски, паст даражада қолмоқда.

Енгил саноат тармоғидаги фойдаланилмаётган имкониятлар ҳақида гапирганда, вилоятдаги йигирув фабрикаларининг 63 фоиз қувват билан ишлаётгани, албатта, ҳеч кимни қониқтирмайди.

Андижон вилоятининг 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгиланган лойиҳаларни ўз вақтида бажариш масаласи алоҳида эътиборни талаб қилади.

Катта ҳажмдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун, албатта, вилоятдаги мавжуд салоҳият билан бирга, ҳукуматимиз, тегишли вазирлик ва идораларнинг куч-имкониятларини сафарбар этишимиз даркор.

Жумладан, "Ўзқурилишматериаллари" компанияси вилоят ва туман ҳокимликлари билан биргаликда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қиймати 25 миллион долларлик 174 та лойиҳани амалга ошириши лозим.

"Ўзфармсаноат" компанияси маҳаллий тадбиркорлар иштирокида яқин икки йилда умумий қиймати 10 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳани амалга ошириши зарур.

"Ўзэлтехсаноат" уюшмаси эса вилоятда маиший техника маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган, умумий қиймати 10 миллион долларга яқин 5 та лойиҳани амалга оширишни таъминлаши керак.

Шунингдек, "Ўзбекэнерго", "Ўзтрансгаз" компаниялари ҳамда тегишли тижорат банклари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни узлуксиз энергия манбалари ва молиявий ресурслар билан кафолатланган тарзда таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриши даркор.

Ҳар қайси корхона, ҳар қайси ҳудуд, қолаверса, вилоят ёки бутун мамлакатимиз миқёсида бўладими, ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, замонавий технологияларни жорий этиш, шиддат билан ўсиб бораётган рақобатга бардош бериш ва даромад олиш учун сармоя ва яна бир бор сармоя, яъни инвестиция керак.

Доимо изланишда бўлиб, эртанги кунимизни ўйлаб, ишчиларимизга муносиб маош тўлаш, уларнинг ҳаётини фаровон қилиш учун қўшма корхоналар тузиш, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, бу борадаги сунъий тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш энг муҳим масала, десам, ўйлайманки, бу ҳақиқат бугун ҳеч кимга сир эмас.

Чунки айни шу омиллар ҳисобидан Андижон вилоятининг энг ўткир муаммоларини ечиш мумкин, одамларимизни рози қилишимиз мумкин.

Агарки Андижон воҳасида суғориладиган, ҳайдаладиган ер танқислиги, аҳолининг эса жуда зич яшаши энг мураккаб муаммолардан бири эканини инобатга оладиган бўлсак, айнан шундай йўл яккаю ягона тўғри, ўзини оқлаган йўл эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Лекин, минг афсуски, айрим туманлар, хусусан, Пахтаобод, Улуғнор туманлари ана шундай йўлни жорий этишда, яъни четдан сармоя олиб келишда ўзини кўрсата олмаяпти.

Ҳурматли дўстлар!

Андижон заминида шаклланган қадимий деҳқончилик мактабининг шуҳрати нафақат юртимизда, балки бошқа ўлкаларда ҳам яхши маълум. Тобора ривожланиб, бугунги кунда қишлоқда ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракати айнан Андижон заминида тобланиб, янги тажриба ва куч топаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ўз ишининг чинакам фидойиси ва устаси бўлган андижонлик деҳқон ва фермерлар ўтган йили биринчилар қатори шартнома мажбуриятларини бажариб, 293 минг тонна пахта, 508 минг тонна бошоқли дон етиштириб бергани ҳар қандай тасаннoларга арзийди.

Вилоятда кейинги олти йилда сабзавот етиштириш ҳажми 1,9 баробар, картошка — 2,2 баробар, полиз маҳсулотлари — 3,5 баробар, мева — 1,8 баробар, узум — 2,2 баробар ортиб, уларни қайта ишлаш ҳажми ўсаётгани айнан фермерларимиз ва деҳқонларимизнинг ишга ёндашуви ўзгариб, ўз ери, ўз мулкига эгалик ҳиссиёти кучайиб бораётганининг натижасидир.

Чорвачиликни оладиган бўлсак, сўнгги олти йилда қорамоллар сони 1,6 баробар, парранда 2,2 баробар, гўшт ва сут етиштириш 1,5 баробар, тухум етиштириш 1,8 баробар кўпайганини кўриш мумкин.

Буларнинг барчаси нафақат вилоят, балки мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, бозорларимиздаги серобчилик ва арзончиликни таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Бугун мен, мана шу юксак минбардан туриб, вилоятнинг миришкор деҳқон ва фермерларига ана шундай фидокорона меҳнатлари учун чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Табиийки, бундай ютуқлар туфайли фермерларнинг даромадига даромад қўшилмоқда, энг асосийси, уларнинг ўрта синф — мулкдорлар синфи сифатида мавқеи ошиб, қишлоқда, ҳақиқатан ҳам, ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Бу ютуқлар, биринчи навбатда, юртдошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгариб бораётганидан далолат беради. Бу одамлар энди 1990 йилдаги кишилар эмас. Мен юртимизда ҳам, чет элларда ҳам бир фикрни кўп айтаман: биз эришган ютуқларни, эртанги кунимизнинг қандай ёруғ бўлишини билмоқчи бўлсангиз, аввало, лицей ва коллежларимизга бориб, ёшларимиз билан учрашинг, уларнинг ёниб турган кўзларига қаранг, шунда сиз кўп нарсани тушуниб етасиз, деймaн ва бу сўзларда чиндан ҳам катта ҳақиқат бор.

Ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз, ерни асраб-авайлаш, у билан тиллашиб яшаш керак. "Сен ерни боқсанг — ер сени боқади" деган чуқур маъноли ибора, менинг назаримда, айнан ўзбек заминида пайдо бўлгандек туюлади.

Табиийки, қишлоқ хўжалигида юксак марраларни қўлга киритишда авваламбор юқори ҳосилдорликка эришишнинг гарови — ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга ошираётган кенг кўламли ишларимиз пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, **2008 — 2012 йилларда** вилоятда 6000 километрга яқин очиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 225 километрлик ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари, Улуғнор мелиоратив насос станцияси, 180 та мелиорация иншооти, 365 та дренаж қудуқ ҳамда бошқа объектларда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилганини айтиш лозим.

Шу даврда вилоят бўйича салкам 55 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 120 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланганi натижасида **ғалла ҳосилдорлиги ўртача 6-8 центнерга, пахта ҳосилдорлиги 4-5 центнерга ошгани бу борадаги ишларимизнинг энг муҳим самараси, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.**

Вилоятда қишлоқ хўжалиги техникаси паркини янгилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда охирги етти йилда қарийб 53 миллиард сўмлик 2 минг 300 дан ортиқ замонавий техника воситалари сотиб олингани ҳам буни тасдиқлайди.

Шу билан бирга, бу йўналишда ҳали кўп иш қилишимиз зарурлиги, айниқса, боғ ва токзорлар орасига ишлов берадиган махсус техникаларни сотиб олишга эътибор қаратиш, мавжуд техника паркини ҳар йили камида 10 фоизга янгилаб бориш лозимлигини қайд этиш жоиз.

Маълумки, 2011 йилда Асака тумани тўлиқ мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилди. Бунинг натижасида, аввало, туманда етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмини 45-50 фоизга ошириш, бозорларда нарх-навонинг барқарор бўлишига, деҳқончиликда даромад анча кўпайишига эришилди.

Янги имкониятларни инобатга олган ҳолда, Республика озиқ-овқат корхоналари уюшмаси томонидан келгуси уч йилда вилоятда мева-сабзавотни қайта ишлайдиган 27 та, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган 48 та, шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 140 та корхона янгитдан ташкил қилиниши мўлжалланмоқда.

Қадрли юртдошлар!

Андижон халқининг изланувчанлиги, янгиликка интилиб яшаши, ташаббускорлиги — ана шундай фазилатлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда ўз ифодасини топмоқда.

**Бугунги кунда Андижон вилоятида мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 22 минг 200 тани ташкил этаётгани ва айни шу соҳада аҳолининг 80 фоиздан ортиғи банд бўлганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.**

Агарки Андижон халқининг 80 фоизи тадбиркорлик ҳисобидан яшаётган бўлса, қани, айтинглар, бу соҳага одамларни жалб этиш учун яна қандай даъват бўлиши мумкин? Эришилган мана шундай маррани маҳкам ушлашимиз керак. Такрор айтаман, кичик бизнес ва тадбиркорлик йўлида мавжуд бўлган ҳар қандай сунъий тўсиқни олиб ташлаш лозим. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, вазирлар ва ҳокимлар буни чуқур тушуниб олиши шарт.

Ўзингиз ўйланг, тадбиркор ўз кучи, ўз сармояси ҳисобидан ўз ишини ташкил қилади ва шу орқали даромад топади. Бизнинг ишимизга халақит бермасангиз, ўз оиламизни ҳам, эл-юртни ҳам боқишга ҳисса қўшамиз, деб меҳнат қилади. Бундай одамларни фақат қўллаб-қувватлаш, фақат ёрдам бериш керак.

Тадбиркорлик азал-азалдан халқимизнинг қонида бор. Энг зўр ҳунармандлар, савдогарлар, усталар бизнинг юртимизда бўлган. Буюк бобомиз Амир Темур ўз даврида бу борада шундай тартиб ўрнатган эдики, унинг "Тузуклар" асарида ёзилишича, агар салтанатнинг у чеккасидан бу чеккасига ёш бола бир лаган тиллони бошига қўйиб борадиган бўлса, унга ҳеч ким дахл қилмас экан.

Бу билан улуғ аждодимиз, ўзи ишламасдан, бошқаларнинг ҳисобидан кун кўрадиган ҳар хил қароқчи ва зўравонларнинг адабини бердим, бутун мамлакатда адолат ўрнатдим, деб таъкидлаётганини тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман.

Мен бир пайтлар эртанги кунимизни, келажакни ўйлаб, фермерлик ҳаракатига ўтганимизда, фермерларга қарата, ҳеч нарсадан қўрқмасдан, олдинга босаверинглар, ортингизда Президент турибди, деб айтган эдим. Бугун эса барча тадбиркорларга қарата айтмоқчиман: дадил қадам босаверинглар, ортингизда Президент турибди.

Вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг замонавий ишлаб чиқариш соҳаларига, хусусан, автомобилсозлик ва автомобилларга хизмат кўрсатиш тармоғига кенг жалб этилаётгани, умуман, замонавий сервис соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани аҳолимизни иш билан таъминлашда, одамларнинг даромадини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Андижон вилоятида 2007 — 2012 йилларда, яъни охирги олти йилда хизматлар ҳажми 2,6 баробар ортиб, мазкур соҳада қарийб 160 мингта иш ўрни яратилгани бу йўналишда кўп иш қилинаётганидан далолат беради.

Айниқса, мобиль алоқа тармоғини кенгайтириш, 160 километрдан зиёд оптик толали алоқа линиясини барпо этиш, 44 та "Интернет-кафе" ташкил қилиш, автомат телефон станцияларини юз фоиз рақамли тизимга ўтказиш бўйича амалга оширилган инвестиция дастурлари мобиль алоқа абонентлари сонини 4,6 баробар, интернетдан фойдаланувчилар сонини 7,8 баробар ошириш имконини берди. Бунинг натижасида алоқа ва ахборот хизматлари ҳажми 3,7 баробар ўсди.

Ана шундай ўзгаришлар туфайли ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида жами хизматларнинг улуши ортиб, 2006 йилдаги 31,5 фоиздан 2012 йилда 45,5 фоизга етганини, албатта, ижобий баҳолаш лозим.

Ҳурматли депутатлар!

Андижон вилоятида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш дастурининг ижроси алоҳида эътиборга лойиқ.

Мен 2011 йилнинг кузида Андижон туманининг Ўрикзор массивида барпо этилган ана шундай янги ҳовли-жойларнинг эгалари билан учрашганимда, уларнинг юз-кўзидаги хурсандчиликни кўриб, бу иморатлар, ҳақиқатан ҳам, халқимиз орзу қилган, унинг кўнглидаги уйлар эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилган эдим.

Ўтган тўрт йил мобайнида Андижон вилоятида 89 та мавзеда 2 минг 115 та намунавий уй-жой барпо этилиб, кўплаб оилалар шаҳар шароитидан асло кам бўлмаган қулай уйларга кўчиб кирди. Ана шу массивларда қарийб 100 километрлик сув тармоғи, 61 километр электр тармоғи, 76 километр табиий газ тармоғи, 56 километр ички йўллар ва бошқа инфратузилма объектлари барпо этилганини таъкидлаш лозим.

Сизларга маълумки, шу йил 16-17 апрель кунлари Тошкент шаҳрида катта бир халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси учун замонавий уй-жойлар қуриш тажрибаси ва эришилган натижаларни ўрганиш учун дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатидан, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, АСЕАН, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар, молия институтларидан вакиллар, уй-жой қурилиши соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари ва етакчи мутахассислар, жами 300 дан зиёд чет эллик меҳмон иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари юртимизнинг бир қанча вилоят ва туманларида бўлиб, қишлоқ аҳли учун бунёд этилган уйлар билан яқиндан танишдилар, одамларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг ҳаётга қараши, маданий савияси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётганига юксак баҳо бердилар. Ўзбекистоннинг қандай буюк салоҳиятга эга бўлаётганига, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек эзгу мақсад йўлидан қатъият билан бораётганига, энг муҳими, биз 22 йил олдин танлаган тараққиёт йўлимиз тўғри эканига иқрор бўлдилар.

Азиз дўстлар!

Андижон вилоятида бошқа муҳим ижтимоий дастурларни ҳаётга жорий қилиш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда аҳолини марказлаштирилган тармоқлар орқали ичимлик суви билан таъминлаш 89,7 фоизни, табиий газ билан таъминлаш эса 75,3 фоизни ташкил этганини қайд этиш лозим.

Бу борадаги ишларимизни давом эттирган ҳолда, келгуси уч йилда ичимлик ва оқова сув тизимини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури асосида вилоятда 150 километр магистраль сув тармоғи барпо этилади, 183 километрлик тармоқ эса реконструкция қилинади. Бу ишларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 45 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратиш кўзда тутилган. Натижада вилоятдаги 230 дан ортиқ қишлоқда ичимлик суви таъминотини янада яхшилаб, бу борадаги кўрсаткични 92,3 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш масаласини оладиган бўлсак, вилоят бўйича 2006 — 2012 йилларда 490 тадан ортиқ янги автобус сотиб олинганини айтиш лозим.

Яқин келгусида вилоятга яна 400 та автобус олиб келиш ва шу асосда қишлоқ жойларда, айниқса, узоқ ва чекка ҳудудларда яшайдиган аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш режалаштирилмоқда.

Халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган бундай ишлар ҳақида гапирганда, сизларнинг эътиборингизни яна бир муҳим стратегик лойиҳага қаратмоқчиман. Ушбу йирик лойиҳага биноан, қиймати 1 миллиард доллар, қуввати 900 мегавольт бўлган Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси барпо этилади.

Бу улкан иншоотнинг ишга туширилиши Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларининг электр энергиясига бўлган бугунги эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш имконини берибгина қолмасдан, бу ҳудудларнинг истиқболдаги ривожида қандай катта ўрин тутишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Биз учун сувдек, ҳаводек зарур бўлган яна бир муҳим тармоқ — транспорт-коммуникация соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Қамчиқ довони орқали ўтадиган автомобиль йўлини кенгайтириш ва реконструкция қилиш учун кейинги 5 йилда қарийб 630 миллиард сўм, жумладан, йўл техникаси харид қилишга 8 миллиард сўм йўналтирилганини таъкидлаш лозим. Бу эса Фарғона водийси, жумладан, Андижон вилоятига ва бу ердан мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига юк ва йўловчи ташиш ҳажми ва сифатини янада ошириш имконини бермоқда.

Шу борада биз кўпдан буён ўйлаб юрган, бугунги кунга келиб рўёбга чиқариш имкони пайдо бўлган яна бир муҳим режамиз ҳақида сизларга ахборот бермоқчиман. У ҳам бўлса, Ангрен — Поп йўналишида умумий узунлиги қарийб 125 километр бўлган электрлаштирилган темир йўл қуриш лойиҳасини амалга оширмоқчимиз.

Маълумки, Фарғона водийси мамлакатимизнинг темир йўл тармоқларига уланиш нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ажралиб қолган. Ҳозирги кунда темир йўл орқали водийга бориш учун қаердан ўтишга тўғри келишини сизлар яхши биласиз.

Бугунги кунда Фарғона водийсида 10 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. "Олтин водий" деб ном олган бу минтақани Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш масаласини эътибордан четда қолдиришга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Таъкидлаш керакки, айнан шу лойиҳанинг жорий этилиши Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимиз темир йўллари тизими билан ишончли асосда бевосита боғлаш имконини яратади. Шу тариқа биз бутун Ўзбекистоннинг ҳудуд ва минтақаларини қамраб оладиган ягона миллий темир йўл тармоғини барпо этишга эришамиз. Ҳеч шубҳасиз, бу нафақат иқтисодий-ижтимоий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик стратегик лойиҳадир.

Бир пайтлар Ўзбекистоннинг электр, табиий газ тармоқлари, автомобиль йўллари бошқа давлатларнинг ҳудуди орқали ўтарди. Кейинги ўн йил ичида биз бу борада жуда катта ишларни амалга ошириш ҳисобидан ушбу коммуникацияларнинг барчасини ўз мамлакатимиз ҳудудидан ўтказишга эришдик. 2014 — 2015 йилларда темир йўл масаласида ҳам бу ишни албатта охирига етказамиз. Насиб этса, 2016 йилда мана шу темир йўл қуриб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поезд билан бемалол қатнаш имконига эга бўламиз.

Қадрли юртдошлар!

Ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар ҳақида сўз юритганда, аввало, ёш авлодимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида беқиёс ўрин тутадиган таълим тизимида амалга оширилаётган катта ишлар ҳақида гапиришимиз табиийдир.

Вилоятда 2006 — 2012 йилларда 53 та лицей ва коллеж, 159 та умумтаълим мактаби, 17 та мусиқа ва санъат мактаби қурилгани ва реконструкция қилингани бу борадаги дастурларимиз изчиллик билан бажарилаётганидан далолат беради. Жорий йилда яна 6 та мактаб, 3 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 2 та олий ўқув юрти реконструкция қилинади, 12 та мактаб ва 6 та касб-ҳунар коллежи капитал таъмирланади, Андижон тиббиёт институтининг ахборот-ресурс маркази барпо этилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар ҳам вилоятда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бунинг тасдиғини шу ўтган даврда ҳар сменада 3 минг нафардан ортиқ кишига хизмат кўрсатадиган поликлиника муассасалари, 930 ўринга эга бўлган шифо масканлари фойдаланишга топширилгани мисолида кўриш мумкин.

2013 йилда яна 9 та тиббиёт муассасасини, жумладан, вилоят онкология диспансери, болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва болалар санаторийсини реконструкция қилиш режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 54 миллиард 900 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлган спорт соҳасида ҳам юқори натижалар қўлга киритилмоқда. Айниқса, вилоят ёшларининг мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаб келаётгани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Ҳақиқатан ҳам, 2006 — 2012 йилларда нуфузли халқаро мусобақаларда Андижон ёшлари орасидан 107 нафар ўқувчи, жумладан, 57 нафар қиз бола иштирок этиб, уларнинг 72 нафари совринли ўринларни қўлга киритгани, албатта, ҳаммамизни хурсанд қилади.

Ҳозирги кунда энг долзарб аҳамиятга эга бўлган аҳолини иш билан таъминлаш масаласига эътибор қаратадиган бўлсак, вилоятда 2006 — 2012 йилларда, **яъни охирги етти йилда ярим миллионга яқин иш ўрни яратилгани ва бунинг қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилганини катта ютуғимиз сифатида қабул қилишимиз керак.**

Айни вақтда бу борада ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини, ўйлайманки, барчамиз тўғри тушунамиз. Хусусан, **жорий йилда тасдиқланган дастурга кўра, вилоят бўйича қарийб 80 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда.** Бу борада барча даражадаги раҳбарлар учун 53 минг 200 нафар касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш кун тартибидаги энг асосий вазифа бўлиб турганини алоҳида уқтириб ўтмоқчиман.

Бу вазифани бир ёқадан бош чиқариб, албатта, бажариш барча-барчамизнинг энг олижаноб бурчимиздир.

Сўнгги 6 йил давомида вилоятда аҳоли даромадлари сезиларли даражада ўсиб, аввало, шунинг ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётганини биз юқори баҳолаймиз.

Халқимиз даромадларининг асосий қисми, яъни 54 фоизга яқини тадбиркорлик ҳисобидан изчил ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бу шахсан мен учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган кўрсаткич. Бу рақам, авваламбор, Андижон аҳлининг ўз меҳнати, ўз тадбиркорлик фаолияти, ўз бизнеси ҳисобидан ўзини ва оиласини боқаётганининг яққол далили, такрор айтаман, бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Аҳолимизнинг фаровонлиги ошиб бораётганини вилоятда хонадонларнинг телевизор, холодильник, мебель билан таъминланиш кўрсаткичлари мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан юқори экани, автомобилларга эга бўлган хонадонлар сони сўнгги 6 йилда ҳар 100 та оилага нисбатан олганда, 19 тадан 30 тага етгани ҳам исботлайди.

Эсингизда бўлса, совет даврида одамлар машина олиш учун ўн йиллаб навбатда турар эди. Менга қолса, ҳар юзта оилага юзта автомобиль тўғри келсаям, ёмон бўлмас эди.

Ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартириб бораётган бундай ютуқлар ҳақида гап кетганда, мен биринчи навбатда аёлларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш тўғрисида гапиришдан ҳеч чарчамайман. Шахсан мен ҳар юзта хонадонда юзта кир ювиш машинаси бўлишини истардим.

Шу ўринда эркакларга мурожаат қилиб айтмоқчиман: аёлларга кўпроқ ҳурмат кўрсатиш, уларга кўпроқ эътибор бериш, оғирини енгил қилиш биз, эркак зотининг энг асосий вазифаси, бурчи бўлиши лозим. Нега деганда, аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, бутун жамият бахтлидир.

Андижон вилоятида кейинги йилларда амалга оширилган ўзгаришлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапирганда, кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида алоҳида сўз юритиш ўринлидир. Бу ишларнинг ёрқин намунасини вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, айниқса, Андижон шаҳри мисолида яққол кўриш, кузатиш мумкин.

Ҳозирги вақтда юртимизнинг турли ҳудудларидан бу ерга кўплаб мутахассислар, меъмор ва муҳандислар келиб, сизларнинг тажрибангизни ўрганаётгани кўпчиликка яхши маълум.

Ана шу ишларни изчил давом эттириш мақсадида 2011 — 2015 йилларда Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида якка тартибда уй-жой массивларини қуриш, коммунал инфратузилма тармоқларини жадал ривожлантиришни кўзда тутадиган дастур қабул қилинган эди. Фурсатдан фойдаланиб, ана шу дастурнинг дастлабки натижалари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Икки йил давомида вилоятда 372 километрлик ичимлик суви, 2 километрлик канализация, 211 километрлик табиий газ тармоғи тортилди ва реконструкция қилинди. 195 километрлик электр тармоғи янгиланди, 121 та трансформатор ўрнатилди, 46 километрлик кўчаларда чироқлар янгиланиб, 2 минг 650 та хонадонга телефон ўрнатилди.

Асака туманидаги Шинам, Карвонсарой, Умид, Имом Бухорий кўчалари таъмирланиб, электр, табиий газ ва ичимлик суви таъминоти тармоқлари янгиланди. Хўжаобод, Олтинкўл туманлари марказий кўчаларини намунавий кўчаларга айлантириш мақсадида йўл бўйида замонавий уй-жойлар қурилди, кўчаларни ёритиш тизими ва электр тармоқлари янгиланиб, табиий газ қувурларининг ер остидан ўтказилиши натижасида ушбу масканларнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Ҳозирги вақтда Пахтаобод, Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Андижон туманларининг марказий кўчаларида ана шундай ишлар ниҳоясига етказилмоқда ва бундай ижобий тажрибалар бошқа ҳудудларда ҳам қўлланмоқда.

Амалга оширилган ана шундай кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари туфайли 250 мингдан зиёд аҳолининг электр таъминоти, 80 мингга яқин аҳолининг табиий газ таъминоти яхшилангани, 35 километрдан ортиқ магистраль ва 380 километрлик ички автомобиль йўллари таъмирлангани "Обод турмуш йили" деб ном олган жорий йилда биз белгилаб олган мақсад ва вазифаларга ҳамоҳанглиги билан, айниқса, эътиборлидир.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш керак: Андижон вилоятининг маркази, шаҳар ва туражойларнинг кўринишини бутунлай ўзгартириш, гўзал ва ўзига хос майдонлар, кўча ва уйларга барчанинг ҳавасини тортадиган янги қиёфа бериш, обод ва бетакрор ўлкага айлантириш — бундай олижаноб ва улкан ишларга қўл урган барча-барча Андижон аҳлига ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Кўп йиллар, балки юз йиллар ўтар, лекин сиз, азизларнинг амалга оширган ишларингиз абадий сақланиб қолур.

Бир нақл бор — катта, улкан ишларни узоқдан кўриш мумкин. Шу маънода, бундай олижаноб ишларнинг аҳамияти узоқдан қараганда, баҳо берганда, айниқса, яққол аён бўлади.

Нима учун бундай ишлар абадий сақланиб қолади? Чунки бу ишлар замиридаги фидойилик, ўз юртига меҳр ва садоқат туйғуси ҳеч қачон завол билмайди. Андижон аҳли бундай ишлари билан, таъбир жоиз бўлса, ўзига ҳайкал қўйди. Бу — баландпарвоз гап эмас, айни ҳақиқат ва бу билан ғурурлансак арзийди. Ҳаётда ғурур-ифтихор билан, шукроналик билан яшайдиган одамнинг умри узоқ бўлади.

Менинг тилагим, истагим шуки, мана шундай обод шаҳар ва қишлоқлар, кўп-кўп соҳаларда эришаётган ютуқлар Андижон аҳлига буюрсин!

Ҳурматли сессия қатнашчилари!

Энди кун тартибига киритилган ташкилий масалани муҳокама қилишга ўтсак.

Бугунги мажлисимизнинг асосий мақсади Андижон вилоятининг ҳокими вазифасида ишлаб келган Аҳмад Усмоновнинг Тошкент вилояти ҳокими этиб сайлангани муносабати билан Андижон вилояти ҳокими лавозимига янги номзодни сайлаб-тасдиқлаб олишдан иборат.

Сизларга яхши маълумки, Ўзбекистонимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларини мутаносиб ва изчил ривожлантириш устувор вазифамиздир. Бу ҳақда гапирганда, улкан салоҳиятга эга бўлган, мамлакатимизда етакчи ўрин тутадиган Тошкент вилоятини бошқариш, унинг кўп тармоқли иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириш — бундай вазифаларни уддалаш ғоят оғир ва масъулиятли иш эканини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир.

Тошкент вилоятида кейинги пайтда ўткир муаммоларнинг ечими топилмасдан, кўпгина масалаларда оқсоқликка йўл қўйилгани, биринчи раҳбарда ташкилотчилик, етакчилик қобилиятлари етишмагани сабабли уни ишдан озод қилишга тўғри келди.

Мана шу масъулиятли лавозимга, яъни Тошкент вилоятини бошқаришга Андижон вилоятида етти йил давомида ҳоким бўлиб ишлаган, эл-юртга бош-қош бўлиб, вилоят эришган ютуқ ва марраларга муносиб ҳисса қўшган Аҳмад Усмонов номзоди маъқул деб топилди.

Айни пайтда Аҳмад Усмоновга билдирилган ишонч сиз, Андижон элига билдирилган ишонч ва ҳурмат белгиси, ифодаси, десам, сиз, азизлар мени тушунасизлар, деб ўйлайман.

Андижон аҳли ўз юртига бўлган меҳри ва садоқатини, ғурур ва ифтихорини, орномусини юксак қадрлаб, ўз кучи ва қудратига ишониб яшайдиган халқ.

Бундай олижаноб фазилатларга эга элюртни бошқарадиган, унинг эришган марралари, ўсиш суръатларини пасайтирмасдан, аҳолининг бошини қовуштириб, янги мақсад ва уфқларга сафарбар эта оладиган янги раҳбар сайлаш бугунги мажлисимиз кун тартибига қўйилган.

Кенг ва юқори салоҳиятга эга бўлган, ҳам инсонийлик, ҳам ташкилотчилик, ҳам талабчанлик нуқтаи назаридан эл-юртнинг дарду ташвиши билан яшайдиган, одамларнинг ҳаракатига ҳаракат, интилишига интилиш, ишончига ишонч қўшиб, юртни янада обод, халқнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қурби етадиган раҳбарни топиш — ўзингиз тушунасиз — бу оғир вазифа.

Шуни айтмоқчиманки, кўп жойларда янги раҳбарни лавозимга тавсия этар эканмиз, одамлар, аввало, Президент билдирган таклифга ишонч билан қарайди. Мен бу ишончни юксак қадрлайман ва айни вақтда унинг замиридаги катта масъулиятни ҳам чуқур ҳис қиламан.

Бугун Андижон вилоятида 2 миллион 700 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ана шундай улкан вилоят аҳлининг ҳаётига, ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, унинг муаммоларини ҳал қилишга доимо жиддий қарашимиз керак. Бир пайтлар шунга етарли эътибор бермаганимиз биз учун катта сабоқ бўлди. Мен кимнидир айбламоқчи эмасман, лекин бундай масалаларга, такрор айтаман, бепарво бўлишга ҳаққимиз йўқ. Бинобарин, вилоятга янги раҳбар танлашда кўп ва узоқ ўйлашга, жамоатчилик билан кенгашишга тўғри келди. Баъзан ўз жойида туппа-тузук ишлаб турган раҳбар янги жойда ўзини кўрсатолмаслиги, оқибатда ўзига ҳам, умумий ишга ҳам зарар етказиши мумкин. Шунинг учун бу масалада етти ўлчаб, бир кесиш керак.

Шуларнинг барчасини инобатга олиб, Андижон вилояти фаоллари ва депутатлари, оқсоқоллар билан кўп маслаҳатлашдик, очиқчасига гаплашиб олдик. Билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги вақтда Андижон вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимида ишлаб келаётган Шуҳратбек Абдураҳмонов номзодини Андижон вилояти ҳокими вазифасига тавсия этишга қарор қилдик.

Бу номзоднинг таржимаи ҳоли ҳақида гапирадиган бўлсак, у 1969 йилда туғилган. Андижон пахтачилик институтини 1992 йилда агроном мутахассислиги бўйича битирган. Кўп йиллар Пахтаобод тумани ҳокими, вилоят ҳокимининг муовини лавозимларида ишлаб, етарли тажриба орттирган. Энг муҳими, у Андижон вилоятининг шароити, вилоят аҳлининг табиати, орзу-интилишлари, ташвиш ва муаммоларини яхши билади, шу тупроқнинг тузини ичиб улғайган.

Одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, унга амал бериб кўр, деган гап бежиз айтилмаган. Ҳақиқатан ҳам, эл-юрт ҳар қандай раҳбарни у амалга ўтирган пайтдан бошлаб синайди ва унга баҳо беради.

Айтиш керакки, Ш. Абдураҳмонов оддий бригада бошлиғи лавозимидан шу даражага кўтарилган. Пахтаобод туманида кўп йиллар хизмат қилган. Зарур пайтда, масалан, ана шу туманда фермерликни жорий этишда ўзини принципиал жиҳатдан кўрсатган.

Биз бугун юртимизда янги давлат, янги жамият қурмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятнинг янги раҳбари эришилган марраларни янада мустаҳкамлаб, ўсиш суръатларини тезлаштиришга интилиши лозим. Янги раҳбарнинг келиши билан эл-юрт қандайдир ўзгаришлар бўлади, деб кутади. Агарки ҳеч қандай ўзгариш сезилмаса, одамларнинг раҳбарга бўлган ишончи йўқолади.

Бу ўринда раҳбарнинг фақат ваъда бериши эмас, аввало, Андижон аҳлига, вилоятнинг депутат ва фаолларига, кенг жамоатчиликка таяниб, ишни қандай ташкил этиш, қандай режа ва дастурларни амалга ошириш борасидаги фикрлари муҳимдир.

Вилоят ҳокими, аввало, унга ишонч билдирган халқ олдида, унинг вакиллари бўлмиш депутатлар олдида ўз вақтида ҳисоб бериб туриши керак.

Қадрли ва муҳтарам юртдошлар!

Бугун сиз, азизлар билан бирга кейинги даврда амалга оширган ишларимизга якун ясаб, эришган ютуқларимизга баҳо бердик, йўл қўйилган камчилик ва муаммолар, олдимизда турган вазифалар ҳақида ҳам фикр алмашиб олдик. Энг асосийси, бугун Андижон вилоятида ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, бағрикенглик ва аҳиллик муҳитини кўз қорачиғидек асраш, мустаҳкамлаш бўйича сиз, азиз депутат ва фаолларнинг фикрларини тингладик, эртанги кунимизнинг режаларини аниқлаб олдик.

Шу ўринда юрагимда, қалбимда бўлган бир фикрни айтишни истардим: мен учун доимо яқин ва қадрдон бўлган Андижон аҳли эришган барча ютуқларни мен ҳамиша гўёки ўзимнинг ютуқларим, деб қабул қиламан ва бу билан фахрланаман.

Ишончим комил, ҳамиша замон билан ҳамнафас бўлиб, ўзининг мустаҳкам иродаси, яратувчилик салоҳияти, она-юртга улкан меҳри ва садоқатини намоён этиб келаётган Андижон халқи янги раҳбар атрофида бирлашиб, у билан бамаслаҳат иш олиб бориб, Ватанимиз равнақи йўлида барча куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Азиз дўстлар, яна бир бор сизларга ўзимнинг самимий ҳурматимни изҳор этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, 2008 йилдан бошлаб жаҳон автомобиль саноатида етакчи ҳисобланган General Motors компанияси билан ҳамкорликда ушбу заводда машҳур Chevrolet бренди билан автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани саноатимиз ривожида янги тарихий босқич бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизда автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар тармоғи кенгайиб бормоқда. Андижон вилоятида бундай корхоналар сўнгги етти йилда 47 тадан 108 тага, улар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ҳажми 1 триллион 100 миллиард сўмга етди.

Мазкур тармоқнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, соҳани юксак малакали кадрлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, Асака туманида ушбу йўналишга ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти негизида Андижон машинасозлик институти, Тошкент шаҳрида Турин политехника университети ташкил этилгани соҳани замон талаблари асосида изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртбошимиз Андижон вилоятида сўнгги йилларда қайта ишлаш саноатини тараққий эттириш борасида ҳам салмоқли ютуқларга эришилганини таъкидлади. Агар 2006 йилда Андижонда етиштирилган пахта толасини вилоятнинг ўзида қайта ишлаш ҳажми 31,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда бу рақам 40 фоизга етди. Шунингдек, тўқимачилик, трикотаж маҳсулотлари, пойабзал, чарм-галантерея буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда сезиларли ютуқларга эришилди.

Давлатимиз раҳбари нутқида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва қўшма корхоналарни кўпайтириш, қурилиш материаллари, фармацевтика маҳсулотлари, маиший техника буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш борасидаги лойиҳалар ижроси, қишлоқ хўжалигидаги кенг кўламли ислоҳотлар, ҳаётга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этиш, ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш ва ижтимоий объектлар барпо этиш сингари кенг кўламли масалалар бўйича вилоятда амалга оширилган ишлар ва бу борадаги вазифалар атрофлича таҳлил қилинди.

Президентимиз Андижон вилоятида турли соҳаларда эришилган ютуқларни қайд этган ҳолда, ишга солинмаган имкониятларни таъкидлаб, галдаги устувор вазифаларга алоҳида тўхталди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, Андижон вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимида ишлаб келаётган Шуҳратбек Абдураҳмонов Андижон вилояти ҳокими этиб сайланди.

Сессияда "Нуроний" жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси Таваккал Топволдиев, GM Uzbekistan қўшма корхонаси бошқарма бошлиғи Абдуваққос Рафиқов, Хўжаобод туманидаги Шаҳрихонсой шаҳарча фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Тожибархон Йўлдошева, вилоят фермерлар кенгаши раиси Рашидбек Мамадалиев сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, вилоят аҳли билдирилган фикрлардан зарур хулосалар чиқариб, ислоҳотлар самарасини юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ, Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
***ЎзА махсус мухбирлари.***
Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.



# ЎЗБЕКИСТОН — НОЁБ ИХТИРОЛАР МАМЛАКАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Илм аҳлининг алоҳида эътироф этишича, ихтиролар, иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қиладиган ишланмалар илмий тадқиқот учун қулай шарт-шароит мавжуд жойдагина яратилади. Шу маънода, ҳеч иккиланмасдан, "Ўзбекистонимиз — ноёб ихтиролар мамлакати", десак, муболаға бўлмайди. Негаки, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ҳамда раҳнамолигида фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига алоҳида эътибор қаратилиб, ғишт ишлаб чиқариш технологияси — шулардан бири. У республика Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари томонидан яратилиб, Бекободдаги тегишли корхонада жорий қилинди. Дастлабки натижалар янги технология асосида тайёрланаётган ғиштлар 1750 даражагача ҳароратга чидамли эканлигини, металлургия, қурилиш индустрияси корхоналари агрегатларида ишлатиш ҳар томонлама қулайлигини кўрсатди.

Ушбу институт директорининг ўринбосари Фурқат Эркабоевнинг айтишича, кейинги йилларда шу каби кўплаб истиқболли инновацион ишланмалар устида изланишлар олиб борилиб, улардан 34 таси ярмаркада намойиш этилди. Бу ишланмаларнинг аксарияти "Технологиялар трансфери" бўлимидан жой олгани эътиборга молик.

интеллектуал мулк муаллифлари моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб келинмоқда. Бу эса уларни эртанги кунимизни бугунгидан-да нурафшон бўлишига хизмат қиладиган илмий ишланмалар яратишга даъват этаётир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хўжалик шартномалари асосида тадқиқотлар билан шуғулланаётган илмий муассасаларга солиқ имтиёзлари берилгани, давлат корхоналарида инновация марказлари ва жамғармалари ташкил этилгани илм-фанни ишлаб чиқариш билан уйғунликда ривожлантириш имконини берди. Пировардида илмий ихтиролар амалиётга босқичма-босқич татбиқ этилаётир. Хусусан, бу йилги ярмарка иштирокчиларининг деярли барчаси амалий ҳамкорликка эришгани, айниқса, қувонарлидир. Ташкилотчилар буни тақдим қилинган инновацион технологияларнинг маромига етказилгани, энг асосийси, улар иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқиб яратилгани билан изоҳлашмоқда.

VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ресурс тежамкорлигига эришиш, чиқиндисиз технологияларни жорий қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга қаратилган ишланмалар кўпроқ жой олди. Саноат чиқиндилари ва маҳаллий хом ашёдан ўтга чидамли

Маълумот ўрнида шуни айтиш лозимки, сўнгги йилларда ташкил этилган мазкур бўлимда амалиётга жорий қилиш учун тайёр ёки ишлаб чиқаришда қўлланилаётган, аммо талаб юқори инновациялар намойиш этилади. Бу галги тадбирда эса саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасига доир жами 100 та инновацион ишланмага шундай мақом берилгани қувонарлидир.

"Рангли металлар асосида олтинга ўхшаш зарли қотишмалар ишлаб чиқариш" лойиҳаси, айниқса, мутахассисларнинг эътиборини тортди. Сабаби, унинг ёрдамида қурилиш материаллари ва заргарлик соҳасида олтин ўрнида қўлланиладиган материал тайёрлаш мумкин: сифати юқори, ранги ва жилоси худди тиллани эслатади. Таннархи эса нисбатан арзон. Мазкур лойиҳа муаллифи Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ кон-металлургия факультети талабаси Сардор Жаматов бўлиб, бу юртимизда ёшларни илмий тадқиқот ишлари, хусусан, инновацион фаолиятга жалб этиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида талаба-ёшларнинг иштирок этишлари учун қулай шарт-шароит яратилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бўлғуси олимларга катта мадад бўлаётир. Масалан, жорий йилги тадбир экспозициясига ҳам 74 нафар ёш олим, талаба ва "Келажак овози" республика танлови ғолибларининг ишланмалари тақдим этилди. Ярмарка доирасида "Инновацион фаолиятнинг ривожланишида ёш олим ва талабалар салоҳиятини жалб қилишнинг долзарб масалалари" мавзуида илмий-амалий семинар ташкил этилгани эса айни муддао бўлди.

Бундан ташқари, инновацион тараққиётнинг ҳудудий муаммолари ҳамда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион технологиялар яратиш бўйича семинарлар, шунингдек, турли тақдимотлар уюштирилгани тадбирнинг ишчан руҳда ўтишини таъминлади.

Пировардида инновацияларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмади. Масалан, Физика-техника институти "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган универсал қуёш заряд қурилмасига қизиқувчилар кўп бўлди. Боиси, унинг ёрдамида мобиль алоқа воситалари, рақамли фотоаппаратлар ва бошқа АКТ жиҳозларини офтоб нури ёрдамида қувватлантириб олиш мумкин.

— Ҳозир унинг иккита, яъни аккумуляторли ва аккумуляторсиз моделини яратганмиз, — дейди мазкур кашфиёт муаллифларидан бири Исроил Йўлдошев. — Аккумуляторли қурилмадан нафақат кундузи, балки тунда ҳам фойдаланиш мумкин. Маҳсулотимизга талаб катталиги боис "Solar Energy Products" фирмаси уни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, қурилмаларни янада такомиллаштириш, янги ишланмалар яратиш борасида илмий изланишларни давом эттираяпмиз.

VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси анъанавий энг яхши лойиҳа танлови ғолибларини тақдирлаш маросими билан якунланди. Ғолиблар ярмарканинг барча йўналишларини ўз ичига олган 7 та номинация бўйича аниқландилар.

Ярмарка кундалигини кузатиб, амин бўлдикки, юртимиз олимлари томонидан яратилаётган инновацион технологиялар, замонавий ишланмалар ва илғор ғоялар нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам яхшиланиб бораяпти. Демак, мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти тобора юксалмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ШИНАМ УЙДА ЯШАЁТГАНИМИЗДАН БАХТИЁРМИЗ

*Яқинда мамлакатимизда замонавий уй-жойлар қурилиши, қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш борасида Ўзбекистонда тўпланган тажрибани ўрганишга бағишлаб ўтказилган халқаро конференция қатнашчиларининг бир гуруҳи Гаждумак қишлоғимизда, жумладан, бизнинг уйимизда ҳам бўлишди.*

## ДИЛ СЎЗИ

Чет эллик меҳмонлар ҳовлимизда яшаш учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Уйимизни лойиҳалаштиришда биз, аёллар учун яратилган қулайликлар эса уларда катта таассурот қолдирди.

Уларнинг бир гуруҳи эса ёзги айвон рўпарасидаги сўрида ўтириб, давра қуришди. Оиламиз, яшаш тарзимиз билан қизиқдилар. Мен уларга уч нафар фарзандимиз борлигини, тўнғич ўғлим Зарифжон яқинда миллий армиямиз сафида ўз йигитлик бурчини ўтаб қайтганини, шу уйга келин тушириш ниятида эканимизни сўзлаб бердим. Уларнинг юз-кўзларида ҳавасни кўрдим. Айниқса, чет эллик меҳмонлардан бирининг беихтиёр "Шундай уйда мен ҳам бажонидил яшаган бўлур эдим" деган сўзларини эшитиб, қувониб кетдим. Шинам, кўркам, яшаш учун жуда қулай уйга эга бўлганимиздан ғурурландим.

Ғиждувон туманидаги Гаждумак қишлоғимизда 35 та тураржой қурилган бўлиб, улардан бири — бизники. Уйимиз ҳовлисининг саҳни кенг, каттагина томорқаси ҳам бор. Маҳаллий қурилиш материалларидан тиклангани боис қишда иссиқ, ёзда салқин. Ошхонаси ичкарида жойлаштирилгани учун овқат пиширгани, чой қайнатгани ташқарига чиқишнинг ҳожати йўқ. Меҳмон келганда ҳам, шошиб қолмайсиз. Шундоқ жўмракни бурасангиз, бас, сув келиб турибди. Жон койитмайсиз. Меҳмонхонаси, болаларга мўлжалланган хоналарини айтмайсизми?! Худди шаҳардагидек.

Ҳовлимизнинг шундоқ ёнида маҳалла фуқаролар йиғини, милиция таянч пункти биноси, "Гўзаллик салони", минимаркет, тўй ва маросимлар зали, спорт майдончалари жойлашган. Фарзандларимизу невараларимиз боғчага, мактабга қатнашлари учун ҳам қулай. Негаки, бу ерда "Қалдирғоч" мактабгача таълим муассасаси ҳамда 7-умумтаълим мактаби ва 62-ихтисослаштирилган мактаб-интернати жойлашган.

Юртимиз миқёсида ҳар йили кўплаб замонавий уй-жойлар қурилаётганидан, халқимизнинг яшаш шароитлари янада яхшиланаётганидан хурсандман. Бу хайрли ва эзгу ишларнинг ташаббускори бўлган Президентимиздан миннатдормиз.

**Марҳабо САЛОМОВА,**
**уй бекаси.**
Бухоро вилояти

# Чўлда балиқ кўпаяди

*Томди тумани Қизилқум ҳудудида жойлашган бўлиб, аҳолиси, асосан, чорвачилик билан шуғулланиб келади.*

## ИНТИЛИШ

Яқинда тумандаги "Бахаши" фермер хўжалиги ана шундай чўл шароитида бир гектар, "Нарзуллаев Саттор" хусусий корхонаси эса икки гектар майдонда балиқчиликни йўлга қўйди. Ушбу мақсадлар рўёби учун қарийб 100 миллион сўм сарфланди. Ҳозирги кунда хўжаликларда 10 мингдан ортиқ балиқ чавоқлари парвариш қилинаяпти.

Жорий йилда вилоятда балиқчиликка ихтисослаштирилган яна 20 та фермер хўжалигини ташкил этиш режалаштирилган. Натижада йил давомида жами 2639 тонна балиқ етиштириш кўзда тутилмоқда.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Qishloq Qurilish Bank

*Бунёдкорлик халқимизга хос хусусиятлардан бири бўлиб, у, айниқса, истиқлол йилларида янада кенг намоён бўлаётир. Зотан, Юртбошимиз раҳнамолигида нафақат шаҳарларимиз, балки олис қишлоқларнинг қиёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Фаровонлик ва тараққиёт йўлида амалга ошириладиган хайрли ишлар одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.*

# Фаровонликка йўналтирилган сармоялар

Обод турмуш йилида мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, янги иш ўринлари барпо этиш каби вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди. Унинг изчил ижросини таъминлаш учун Давлат бюджети, корхона ва ташкилотлар, банклар ва бюджетдан ташқари жамғармалар, шу билан бир қаторда, халқаро молия институтлари маблағлари ҳамда бошқа мақсадли маблағлар йўналтирилиши кўзда тутилган. Жумладан, "Қишлоқ қурилиш банк" очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижроси юзасидан муайян чора-тадбирлар кўрилаяпти.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида Давлат дастури доирасида 79 та ёш оилага 6,1 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари, олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида таълим олаётган 336 нафар ёшга 1,2 млрд. сўм миқдорида таълим кредитлари, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этган 92 та ёш оилага 2,1 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ва 158 та ёш оилага замонавий уй жиҳозларини харид қилиш учун 1 млрд. сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилди.

2013 йилда республикамизнинг 353 та қишлоқ массивида 10 мингта намунавий уй-жойлар қурилиши белгиланган бўлиб, ушбу тураржойларнинг умумий қиймати 1,4 трлн. сўмни ташкил қилиши кўзда тутилган. Шу ўринда ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан 8 159 та намунавий уй-жой қурилишига 649,4 млрд. сўм миқдорида имтиёзли ипотека кредитлари ажратилиши режалаштирилганлигини қайд этиш лозим.

Шунингдек, банк томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш, уларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштиришлари учун 120 нафар битирувчига қарийб 2,1 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, уларга маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган, арзон ва сифатли, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилишлари учун жорий йил давомида 4,2 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди. Шу билан бир қаторда, 44 та оила 3 йил муддатга энг кам иш ҳақининг 50 бараваригача бўлган ҳажмда маиший ва ошхона электр асбобларини сотиб олиш учун 198,6 млн. сўм маблағга эга бўлди.

Республика аҳолисининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш, хусусан, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, бунинг асосида янги иш жойлари ташкил қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида банк томонидан 2013 йил январь — март ойлари давомида жами 43,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, сифатли банк хизматларини таклиф этиш борасида молия муассасаси томонидан алоҳида тадбирлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1 558 та тадбиркорлик субъектига 98,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, 2 200 дан зиёд иш ўринлари яратилиши таъминланди. Шунингдек, тадбиркор аёлларнинг кичик корхоналар ва микрофирмаларни ривожлантиришга 13,6 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари берилиши натижасида 299 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижроси юзасидан кам таъминланган оилаларга чорва сотиб олиш учун 858,8 млн. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Булар, албатта, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ички бозорни чорва маҳсулотлари билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, банк томонидан соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини кенгайтириш ва уларга молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида жорий йилнинг биринчи чораги давомида 475,1 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Мухтасар айтганда, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" халқимиз фаровон яшаши учун муносиб турмуш шароитини яратиш, мижозлар талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида янги имкониятларни жорий этишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Бу эса банкнинг юртимиз молия-банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг фаол ижрочиси сифатида эътироф этилишига хизмат қилади. Зотан, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг бекаму кўст амалга оширилиши нафақат қишлоқларимизнинг обод бўлишига, балки халқимизнинг турмуш шароити янада яхшиланишига, ҳаёти бугунгидан-да фаровон бўлишига хизмат қилиши муқаррар.

**Банк матбуот хизмати.**


● Реклама ва эълонлар ●

## ЕР ҚАЪРИ УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ЭЪТИБОРИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 февралдаги мажлиси қарори асосида, ер қаъри участкаларидан фойдаланувчилар томонидан фойдали қазилма захираларини қазиб олиш тўғрисидаги ҳисоботларининг тўғри олиб борилишини таъминлаш ва назорат қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг «Ялпи геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси» давлат корхонаси таркибида «Геология-маркшейдерлик партияси» ташкил этилди.

Ушбу партия махсус лицензия, тажрибали мутахассислар ҳамда замонавий ўлчов ускуналарига эга бўлиб, ер қаъри участкаларидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотларга шартнома асосида геология-маркшейдерлик хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланувчи корхоналарда лицензияли махсус геология-маркшейдерлик хизмати бўлмаган тақдирда, фойдали қазилма захирасининг йиллик ҳисоботига киритиладиган маълумотлар (Форма 5-ГР) ушбу «Геология-маркшейдерлик партияси» томонидан шартнома асосида тайёрлаб берилади. Бундан ташқари, ушбу партия корхоналарга бошқа турдаги ҳар қандай геология-маркшейдерлик хизматларини ҳам кўрсата олади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ер қаъри участкаларидан фойдаланувчи корхоналар ва тадбиркорлардан янги ташкил этилган «Геология-маркшейдерлик партияси» хизматидан фойдаланишни тавсия этади. 2013 йилдан эътиборан ер қаъри участкаларидан фойдаланувчи корхоналарнинг йиллик ва бошқа ҳисоботлари ушбу партия томонидан берилган хулоса асосидагина Давлат геология фондига қабул қилинишини маълум қилади.

**Ахборот тариқасида**

Корхоналар фойдали қазилма захираларини қазиб олиш тўғрисидаги (Форма 5-ГР) ҳисоботларини 20 февралга қадар топшириши лозимлиги «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш» шартларида кўрсатилган.

**Ер қаъри участкаларидан фойдаланувчи корхоналарнинг мурожаати учун «Ялпи геологик тасвирлаш ва излаш экспедицияси» давлат корхонасининг реквизитлари:**

**100011, Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Navoiy ko`chasi, 7-«A» uy. E-mail: kompleksuz@bcc.com**
**h/r: 20210000400305992001, XYOATB «ORIENT FINANS», Yakkasaroy f-1. Toshkent sh.**
**MFO: 01078, STIR: 201407625, XXTUT: 85140.**
**Telefon: (8-371) 241-26-51. Faks: (8-371) 241-97-74.**

**Мурожаат учун «Геология-маркшейдерлик партия»си масъул ходимларининг телефон рақамлари:**
**Шаниязов Низамиддин Раҳмонович, (+99894) 655-27-90,**
**Суннатов Тойир Нарзиевич, (+99894) 655-27-91.**

607А/370

## ООО «SHANXAY PLAST GROUP»



**ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ ДИАМЕТРОМ ОТ 16 ДО 800 ММ ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ И КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.**
Гарантия — 5 лет! Срок службы — более 50 лет!
SPC PIPILENE
**ТАКЖЕ ПРОИЗВОДИМ МОНТАЖ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ.**
ГОСТ 18599-2001, ИСО-9001-2008. Товар сертифицирован.
г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский р-н, ул. Зиёлилар, 4-г.
Тел.: (+998 93) 547-49-75, (+998 91) 195-22-15. Факс (+998 71) 269-02-03.
E-mail: sedou2006@yandex.ru www.pipilene.uz
626R/71

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

*...Бу манзилдан шунчаки ўтиб бўлмайди. Зеро, пойтахтимизнинг табаррук масканларидан бири — “Хотира майдони”да бугунги мунаввар кунларни орзу қилган, дориламон дамларни, келгуси авлод тақдирини ўйлаб ҳаловатидан кечган, машъум уруш оқибатида жонажон юртидан, севимли оиласидан, яқинларидан ажралган кишиларнинг уйғоқ хотираси мужассам.*

# «УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ»



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Мазкур муаззам маскандаги ҳазин сукунат гўё истак-умидлари ушалмай қолган, навқирон чоғида ҳаёт деб аталмиш буюк неъматдан баҳра ололмаган боболаримизнинг армонларидан сўзлаётгандек туюлади. Шу боис бу ерга ташриф буюрувчилар улкан лавҳаларда ўз яқинларининг исм-шарифларига термилиб, хотираларга бериладилар, озод ва обод юртимиздаги тинч-осуда ҳаётнинг қадрини ва улуғлигини янада чуқурроқ англайдилар. Бинобарин, хотира — аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Президентимиз томонидан Истиқлолнинг илк йилларидан эл-юртимиз тақдирига даҳлдор тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улуғлаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилаётган эътибор халқимизнинг ана шундай ўлмас қадриятлари, бебаҳо маънавий фазилатларини намоён этиб келмоқда. Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган, оловли майдонларда ўз юртининг тинчлиги ва озодлиги, оиласи, фарзандларининг хотиржамлиги учун курашган инсонлар мудом халқимиз ардоғида.

— Беаёв жангларда жон фидо қилган боболаримиз хотираси қалбларимизда абадий яшайди. Бугун орамизда яшаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига давлатимиз томонидан ҳар томонлама юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда, — дейди Республика “Нуроний” жамғармаси марказий кенгаши раиси Эркин Боқибоев. — Шу кунларда Президентимиз Ислом Каримовнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонига биноан, барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ҳамда маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари топширишга киришилди.

Шунингдек, уларнинг уй-жойларини таъмирлаш, саломатликларини тиклаш, мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари ва муқаддас қадамжоларга зиёратларини уюштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, савобга йўғрилган бу каби ишлар Обод турмуш йилида ҳам давом этаяпти. Айни пайтда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ташкилотларда, мактаб, коллеж, лицей ҳамда олий ўқув юртларида уч авлод учрашувлари ўтказилиб, уларда истиқлол туфайли мамлакатимизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар мазмун-моҳиятига урғу берилаётир.

...Бу йил мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонилган куннинг 68 йиллиги нишонланади. Даҳшатли урушда 1,5 миллион юртдошларимиз қатнашганини, шулардан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга олсак, Ўзбекистонда ўша пайтдаги хонадонларнинг биронтасини бу фожиа четлаб ўтмагани аён бўлади.

Шундай экан, фашизмга қарши курашда ўз она-юртининг тинч, осойишта ҳаётини, беғубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатганлар хотирасини ёдда сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келган. Ушбу қадрият халқимизнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган ноёб хислатидир.

— Ўқувчиларимиз билан бу ерга тез-тез келиб турамиз, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Азиза Мирсаидова. — Чунки болалар учун мактабда, синфда эшитганларини бу ерда кўриш ўзгача тасаввур уйғотади. Уларга майдондаги “Мотамсаро она” ҳайкали нима учун ўрнатилганлиги, кеча-кундуз ёниб турувчи алангнинг моҳияти хусусида гапириб берамиз. Табиийки, бундай мулоқотлар уларни ватанпарварликка ундайди, эзгу фазилатлар соҳиби бўлиб камол топишларида муҳим аҳамият касб этади.

Инсон қадри унга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан янада юксалади. Бинобарин, хотиржамлик барқарор юртда ёши улуғлар ҳамиша ардоқда, меҳр оғушида бўладилар.

— Тинчлик — бебаҳо неъмат, — дейди Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида яшовчи уруш қатнашчиси Деҳқон Султонов. — Шу кунларга етказганига шукр. Юртбошимизнинг биз, кекса авлод вакилларига кўрсатаётган эътибори, ғамхўрлигини ҳар қадамда кўриб, ҳис этиб турибмиз. Қайга бормайлик, ўрнимиз уй тўрида. Илоҳим, мустақиллигимиз абадий, Президентимиз омон бўлсин.

Ёшлари улуғ, ҳаётнинг пасту баландини кўп кўрган, машаққатларидан заҳмат чеккан бу каби инсонларнинг ҳар бир сўзи ибрат, гўё. Зотан, инсон абадий яшамайди, аммо унинг эзгу аъмолу хайрли амаллари унутилмайди. Шоир айтганидек:

Баргдек узилиб кетсам,
Унутмас мени боғим...

— Вақт ғанимат, инсон ғанимат, — дея кўзида ёш билан гапиради Узун туманида яшовчи 93 ёшли Асалохун ота Сариков. — Бу дунёда биздан қоладигани фақат яхшилик, хайрли амалларимиздир. Шу маънода, Юртбошимизга ташаккурлар айтаман. У киши бизнинг қадримизни улуғлаб, нимагаки муҳтож бўлсак, барчасини муҳайё этмоқдалар. Бу меҳрибонлик эса кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат, кўзимизга нур бағишламоқда.

— Ҳамиша ғамхўрлик қуршовида эканлигимиз туфайли биз давлатимиздан жуда-жуда миннатдормиз, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Мадамин ота Ҳасанов. — Қалбимиз доим фахр ва ифтихорга тўла. Ҳар гал “Хотира майдони”га келсам, китобни варақлайман, унда яқинларим ва дўстларимнинг исмларини ўқиб, таскин топаман. Бу муаззам маскан ўтганлар ёди унутилмаслиги, уларнинг жасорати изсиз кетмаганлигини барчамизга эслатиб туради.

Эътибор ва эъзоз нафақат инсон руҳиятига ижобий таъсир ўтказади, шу билан бирга уни эзгу ташаббусларга, эл-юртга наф келтиришга ундайди. Бугун мамлакатимизда ёши улуғларга кўрсатилаётган эҳтиромдан бемисл куч олиб, улкан иштиёқдан илҳомланиб яшаётганлардан бири Сурхондарё вилояти, Денов туманилик Носирхон ота Тўрақуловдир. Ёши саксондан ошганига қарамай, тиниб-тинчимас бу миришкор боғбон ўтган йили “Ташаббус” танловининг республика босқичида ғолибликни ҳам қўлга киритган эди. 330 гектар ерда лалмикор боғ яратган отахон шу кунларда бир гуруҳ нуронийларни воҳанинг диққатга сазовор жойлари, муқаддас қадамжоларига саёҳатларини уюштириш ниятида. У бундан олдин тумандаги Тоқчи маҳалласи аҳли учун артезиан қудуғи кавлатди, 69-мактабга эса 120 ўқувчи ўрнига мўлжалланган қўшимча бино қурилишида бошқош бўлди.

— Бундай осуда ҳаёт, гўзал юрт яна қайда бор, — дейди “Шуҳрат” медали соҳиби Носирхон ота Тўрақулов. — Эзгуликка эш бўлиб яшаган инсон эъзоз топадиган давр келди. Хусусан, 9 майнинг мамлакатимизда ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланиб келинаётгани ҳам ана шу эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

...Уруш ва Тинчлик.

Бу икки сўзнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ўзгача. Яна шуниси борки, Уруш дейилганда, тасаввурни, қалбни қанчалик зулмат қопласа, Тинчлик каломи айтилиши биланоқ кайфият мутлақо ўзгариб, онгу шуур тиниқлашади. Шунинг учун бўлса керак, уруш кўрган, унинг заҳматини чеккан инсонларнинг ҳар сўзида ҳикмат бор, ҳар каломида ибрат мужассам. Президентимиз таъкидлаганидек, биз ана шу юртдошларимиз олдида умрбод қарздормиз. Биз бу фидойи инсонларни янада кўпроқ қадрлашимиз, уларга нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар куни, ҳар соатда ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз зарур. Зеро, бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**


● Реклама ва эълонлар ●

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
### *очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!*

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 4 июнь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 1 декабрдаги 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ш. Қозоқбоев кўчаси, 126-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 832 кв.м. бўлган икки қаватли уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 337 682 696 сўм.***

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2013 йил 19 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

2013 йил 15 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар:

**I.** Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таминлаш департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСҲ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

**1.** Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган, ер майдони 0,29 гектар, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м., ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 гектар бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил этади, 8 та шохобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автомобилларни ювиш шохобчасидан иборат савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 1 317 621 690 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844,0 кв.м., фойдаланиш майдони 2892,3 кв.м., ўн бешта бинодан иборат ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 2 808 670 000 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 4611 кв.м., фойдаланиш майдони 1782,2 кв.м., тўртта бино ва иккита ҳовуз мавжуд бўлган чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 4 075 660 000 сўм.***

**4.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м., бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги фактик асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар, яъни ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устахона, иккита бостирма бузиб ташланган автосарой бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 604 310 000 сўм.***

**5.** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулло қишлоғи, Д. Тустемов кўчасида жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м., икки қаватли, асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар 7 та, биринчи қаватдаги омборхона яшаш ҳолатига келтирилиб, қайта таъмирланган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 653 690 000 сўм.***

**6.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 155,0 кв.м., тўққиз қаватли бино биринчи қаватининг бир қисми, асосий хоналар сони 12 та бўлган сартарошхона ва дўкон (офис) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 379 280 000 сўм.***

**II.** Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

**1.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 1-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 255 151 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 253 586 000 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 3-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 259 715 000 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 4-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 258 122 000 сўм.***

**5.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 5-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 259 273 000 сўм.***

**6.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 6-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 258 122 000 сўм.***

**7.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 7-хонадонда жойлашган, умумий майдони 241,81 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 5-қаватидаги 6 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 527 113 000 сўм.***

**8.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 8-хонадонда жойлашган, умумий майдони 239,4 кв.м. бўлган, 6/5-6/7 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 521 859 000 сўм.***

**9.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 9-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 258 122 000 сўм.***

**10.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 10-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 259 150 000 сўм.***

**11.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 258 122 000 сўм.***

**12.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 12-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 259 273 000 сўм.***

**13.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 13-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 257 747 000 сўм.***

**14.** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 14-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич баҳоси — 259 715 000 сўм.***

**III.** Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 4 октябрдаги 2-177ж/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор 1-мавзе, 59-уй, 3-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 69,42 кв.м., яшаш майдони 47,25 кв.м. бўлган уч хонали уй-жой такроран савдога қўйилган.

***Бошланғич баҳоси — 93 722 371 сўм.***

**IV.** Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 12 мартдаги 10-0914/987-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

**1.** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Припаркатская кўчаси, 51-уй, 6-хонадонда жойлашган, умумий майдони 72,0 кв.м. бўлган нотураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 57 062 080 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Сувсоз даҳаси, 29-уй, 45-хонадонда жойлашган, умумий майдони 83,0 кв.м. бўлган нотураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 49 864 920 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани 12-даҳа, 30-уй, 126-хонадонда жойлашган, умумий майдони 52,0 кв.м. бўлган, нотураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 42 064 240 сўм.***

**V.** Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 4 июндаги ЖСК 1-112/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бешчинор кўчаси, 2-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 1 077 кв.м. бўлган, тўрт қаватли ертўлали маъмурий бино такроран савдога қўйилган.

***Бошланғич баҳоси — 565 383 991 сўм 80 тийин.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» «Мирзо Улуғбек» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24. www.realtgroup.uz**

*Лицензия: № RR-0017.*

664R/105


## Спорт

# Футболчиларимизнинг Португалиядаги муваффақияти

**Хабарингиз бор, жорий йилнинг 21 июнь — 13 июль кунлари Туркияда футбол бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилади. Ана шу нуфузли мусобақага Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам пухта тайёргарлик кўраяпти.**

Хусусан, Аҳмаджон Мусаев шогирдлари Португалияда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғини доирасида иккита ўртоқлик учрашувида майдонга тушиб, ўз имкониятларини синаб кўрди. Ҳар икки учрашув ҳам мезбон давлатнинг ёшлар терма жамоасига қарши кечди.

Гуарда шаҳрида ўтказилган биринчи ўйинда рақибларидан анча устун эканлигини намойиш этган вакилларимиз 2:0 ҳисобида ғалабага эришди. Голларга умидли футболчиларимиздан Абдул Азиз Юсупов ҳамда Аббосбек Махсталиев муаллифлик қилди.

Тондела шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги баҳсда эса томонлар муроса кўчасини танлади — 1:1. Учрашувнинг 3-дақиқасидаёқ португалиялик футболчи Моедас ҳисобни очиб, жамоасини олдинга олиб чиқди. Ўйиннинг 70-дақиқасида эса Аббосбек Махсталиев жавоб тўпи йўллаб, мувозанатни тиклади.

**Ш. ОРТИҚОВ тайёрлади.**

Ижтимоий реклама








Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 115 822 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5